

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.А.11.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА - ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

ШОИСОЕВ ИЗАТУЛЛО КЕНЖАЕВИЧ

**МИРЗАЧЎЛ АРХИТЕКТУРАСИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШ ВА
ТАРАҚҚИЙ ЭТИШ ЖАРАЁНЛАРИ**

**18.00.01–Архитектура назарияси ва тарихи.
Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва тиклаш**

**АРХИТЕКТУРА БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Архитектура бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии
(PhD) по архитектуре**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
architecture**

Шоисоев Изатулло Кенжаевич

Мирзачўл архитектурасининг вужудга келиш ва тараққий этиш

жараёнлари.....3

Шоисоев Изатулло Кенжаевич

Процессы становления и развития Мирзачульской архитектуры.....22

Shoisoyev Izatullo Kenjayevich

The processes of formation and development of Mirzachul architecture.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works47

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА - ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.А.11.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА - ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

ШОИСОЕВ ИЗАТУЛЛО КЕНЖАЕВИЧ

МИРЗАЧЎЛ АРХИТЕКТУРАСИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШ ВА
ТАРАҚҚИЙ ЭТИШ ЖАРАЁНЛАРИ

18.00.01 – Архитектура назарияси ва тарихи.
Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва тиклаш

АРХИТЕКТУРА БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.3.PhD/A43 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент архитектура-қурилиш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<http://www.taqi.uz/interaktiv-xizmatlar/taqi-ilmiy-faoliyati/ixtisoslashgan-kengashlar/avtoref.html>) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Маматмусаев Тохир Шайдулович

архитектура фанлари доктори

Дурдиева Гавҳар Салаевна

архитектура фанлари доктори, катта илмий ходим

Досметова Зухра Шавкатовна

архитектура фанлари номзоди, доцент

Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти

Етакчи ташкилот:

Диссертация ҳимояси Тошкент архитектура қурилиш институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.A.11.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “___” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 7В-уй. Архитектура факультети мажлислар зали. Тел.: +99871 235-43-30, факс: +99871 234-15-11, web: www.taqi.uz; e-mail: devon@taqi.uz.)

Диссертация билан Тошкент архитектура-қурилиш институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Кичик халқа йўли кўчаси, 7-уй. Тел.: +99871 234-60-16).

Диссертация автореферати 2021 йил «___»_____ куни тарқатилди.
(2021 йил «___»_____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Д.А. Нозилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, арх. д., профессор

Ш.С. Рейимбаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, арх.ф.н, доцент

Т.А. Хидоятлов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, арх.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё миқёсида қадимий шаҳарларни сақлаш, қайта қуриш ва модернизациялашда тарихий жойлар структурасини сақлаб қолиш ва меъморий бадиий қийматларга эга бўлган ёдгорликлардан самарали фойдаланиш ниҳоятда долзарб ҳисобланади. Ҳозирда жаҳонда тарихий, маданий ҳамда архитектуравий меросни ўрганиш, ундан туризм соҳасида кенг фойдаланиш долзарб тус олмоқда. Бу борада илғор мамлакатларда инновацион технологиялар ёрдамида ёдгорликларни музейлаштириш, уларнинг виртуал моделларини яратиш жадал суръатлар билан ривожланиб бораётганлиги кузатилмоқда. Ҳозирда мавжуд архитектура обидаларини таъмирлаш, археологик қазилмаларда аниқланган бино ва иншоотларни сақлаш зарурати намоён бўлмоқда.

Жаҳон миқёсида қадимий маданий мерос объектларининг пайдо бўлиши, эволюцион тараққиёти, шаҳарсозлик тизимларини сақлаш, қайта қуриш ва модернизациялашга бағишланган илмий тадқиқотларда тарихий ёдгорликларни таъмирлаш йўллариини такомиллаштириш, тарихий ва замонавий иншоотларни бир-бири билан самарали уйғунлаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу илмий тадқиқотларда шаҳарсозлик тизимида анъанавий иншоотларни сақлаб қолиш, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос тарихий-меъморий хусусиятларини аниқлаш, тарихий шаҳарларнинг режавий структурасига аниқликлар киритиш, шаҳарсозлик тизимида вертикал иморатларни композицион жойлаштириш йўллариини ўрганиш ва уларнинг илмий-назарий асосларини яратиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Республикамизда миллий қадриятлар, халқимизнинг бой тарихи, моддий-маданий ёдгорликларга эътибор охириги йилларда тубдан ўзгарди. Ҳозирда маданий меросимизни янада чуқурроқ ўрганиш, улардан ички ва халқаро туризм салоҳиятини оширишда самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда. “Сирдарёнинг туризм салоҳияти, тарихий, маданий масканлари бошқа ҳудудларга нисбатан камдай туюлади. Бироқ, Сирдарёда ҳам мавжудларидан ташқари ҳали кашф этилмаган тарих сир-синоатларига бой манбалар сероб”¹. Бу борада Мирзачўл меъморчилигининг вужудга келиш ва тараққий этиш босқичларини аниқлаш, тарихий ёдгорликларни таъмирлаш ва шу орқали ҳудуднинг туризм инфраструктурасини такомиллаштириш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 ноябрдаги ПФ-6119-сон “Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2018 йил 11 апрелдаги ПФ-5408-сон “Қурилиш Вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг Сирдарё вилоятига ташрифи чоғида вилоят фаоллари билан бўлган йиғилишдаги маърузаси. -2018. -13 апрель.

2018 йил 14 ноябрдаги ПФ-5577-сон “Қурилиш соҳасини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 июндаги ВМ-14/1-410-сон “Сирдарё вилояти Ховос туманидаги Кўҳна Ховос тепалиги ва унинг атрофида жойлашган зиёратгоҳларни ободонлаштириш ва таъмирлаш ҳамда Сайхунобод туманидаги Нурота манзилгоҳини археолог ва тарихшунос олимлар томонидан ўрганилишини ташкил этиш, ҳудудларда туризм инфратузилмаларини барпо этиш масалаларини белгиланган тартибда кўриб чиқиш тўғрисидаги” қарори ва шу соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мирзачўл ўлкаси тарихи, шаҳарлар тараққиётнинг у ёки бу жиҳатларига қаратилган кўплаб тадқиқотлар натижалари мақолалар, монографиялар ҳамда диссертациялар мисолида нашр юзини кўрган. Қадимги Сирдарё тарихи ҳақида маълумот берувчи қадимги юнон тарихчиси Аррианнинг “Искандарнинг ҳарбий юришлари” асари, Мирзачўл ўлкасидаги Эски Ховос, Нуртепа ёдгорликлари ҳақида маълумот берувчи Ибн Ҳавқалнинг “Китоб сурат ал-ард (Ернинг сурати китоби)”, Шарафуддин Али Йаздийнинг “Зафарнома”, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” ва бошқа тарихий асарлар муҳим манбалар бўлиб хизмат қилади.

Кўҳна Мирзачўл тарихи ва архитектураси масалаларига бир қанча илмий ишлар бағишланган. Ш.Д. Асқаров², М.Қ. Аҳмедов, В.В. Бартольд³, А.А. Зияев⁴, М.Е. Массон⁵, А.А. Грицина⁶, В.Ф. Караваев⁷, В.А. Нильсен, Д.А. Нозилов, Г.А. Пугаченкова, Х.Ш. Пўлатов⁸, Л.И. Ремпель, Э.В. Ртвеладзе⁹, О.М. Салимов, В.И. Сарияниди, Р.Х. Сулаймонов, А.С. Уралов¹⁰, Т.Ш. Ширинов¹¹, Б.Ж. Эшов, М.А. Юсупова, Т.Ф. Қодирова, Т.А. Ҳидоятлов, Т.Ш. Маматмусаев¹², Ш.З. Нурмуҳаммедова¹³ ва бошқа

² Асқаров Ш.Д. Генезис архитектуры Узбекистана. -Т., 2014.

³ Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана, -Л., 1927.

⁴ Зияев А.А. «Чиназ» (древность, средневековье, современность). Историко-архитектурный очерк. -Т.: 2017.

⁵ Массон М.Е. Проблема изучения цистерн-сардоба. Вып.8. -Ташкент. 1935.

⁶ Грицина А.А. Археологические памятники Сырдарьинской области. -Тошкент., 1992.

⁷ Караваев В.Ф. Голодная степь в ее прошлом и настоящем. Пг., 1914.

⁸ Пўлатов Х.Ш. Шаҳарсозлик тарихи. -Тошкент.2008.

⁹ Ртвеладзе Э.В. Великий шелковый путь Энциклопедический словарь Ташкент., 1999.

¹⁰ Уралов А.С. Гражданское зодчество средневековой Центральной Азии (общественные здания и сооружение). Автореф. дисс. Арх. фан. докт. -Т., 1998.

¹¹ Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культуры эпохи бронзы юга Средней Азии: Автореф. дисс. докт. ист. наук. -М.МГУ.,1993.

¹² Маматмусаев Т.Ш. Ўзбекистон тарихий шаҳарларининг шаклланиши ва ривожланиши. Автореф. дисс. Арх. фан. докт. -Т., 2019.

олимлар томонидан яратилган асарлар шулар жумласидандир. Аммо, ушбу тадқиқотларнинг аксарияти археологик ва тарихийлик нуқтаи назаридан олиб борилиб, Мирзачўл ҳудудидаги тарихий шаҳарлар ва архитектура объектларининг меъморий тузилиши, қурилиш услублари, шаҳарнинг ички ва ташқи иншоотлари масалалари комплекс тарзда тадқиқот объектига айланмаган. Бу тадқиқотларда Мирзачўлда шаҳарлар ва ёдгорликларнинг тарихан ривожланиш босқичларига кўпроқ эътибор берилган бўлсада, лекин бугунги кунда уларни замонавий талаблар асосида қайта қуриш масалалари, архитектуравий ечимлари, маданий ёдгорликлардан туристик мақсадларда фойдаланиш масалалари етарлича ёритилмаган. Мирзачўл воҳасидаги тарихий шаҳарлар ва архитектуравий ёдгорликларни модернизациялаш масалалари бўйича таклифлар берилмаганлиги ушбу мавзунини чуқурроқ ўрганиш лозимлигини кўрсатади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент архитектура-қурилиш институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига боғлиқ равишда Ф.1-86 рақамли “Ўзбекистон архитектурасининг мустақиллик мафқураси асосида шаклланиш қонуниятларини тадқиқ этиш ва самарали ривожлантириш тамойилларини ишлаб чиқиш” (2011-2016 й.) мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Мирзачўл тарихий шаҳарлари ва архитектура ёдгорликларининг вужудга келиш ҳамда тараққий этиш босқичларини археологик, ёзма, тарихий, илмий ҳамда архив манбалари асосида комплекс ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Мирзачўлнинг археологик ёдгорликларидан чиққан топилмалар, архив материалларини умумлаштириш ва маълумотларни тизимлаштириш;

худудда вужудга келган илк урбанизацион жараёнларни ўрганиш;
тарихий шаҳарлар структурасини ўрганиш ва мавжуд архитектуравий ёдгорликларнинг типологиясини аниқлаш;

ёндош тарихий-маданий худудлардаги архитектура ёдгорликлари билан таққослаш орқали уларнинг маҳаллий ўзига хослигини аниқлаш;

меъморий ёдгорликларнинг тарихи, архитектуравий композицияси, тузилиши, ёдгорликларда қўлланилган материаллар ва уларнинг ҳозирги ҳолати бўйича маълумотлар базасини яратиш;

Сирдарё вилоятидаги мавжуд меъморий ва маданий ёдгорликларни қамраб олган самарадор туристик маршрутларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Мирзачўлнинг қадимги замонлардан бошлаб мустақиллик йилларигача бўлган даврда вужудга

¹³ Нурмухаммедова Ш.З. Закономерности и стилевые особенности архитектуры Узбекистана античного периода. Автореф. дисс. Арх. фан. докт. -Т., 2019.

келган, тараққий топган шаҳарлари ва архитектура ёдгорликлари белгиланди.

Тадқиқотнинг предметини Мирзачўл худудида шаҳарсозликнинг пайдо бўлиш ва ривожланиш йўллари, тарихий ёдгорликларнинг меъморий-режавий ечими ва қонуниятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда тарихийлик манбаларга асосланиш, архив материалларининг илмий-қиёсий таҳлили, хронологик тизимли таҳлил, масалага илмий ёндошув каби тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Мирзачўлда илк шаҳарсозлик маданияти милоддан аввалги VII-IV асрларда Кўхна Нуртепа ёдгорлиги худудида шаклланганлиги, илк ўрта асрларда турар жойлар меъморчилиги асосан икки “коридор-тароқсимон” ва “чизиқли” каби меъморий-тарҳий ечимларда режаланганлиги аниқланган;

Мирзачўлнинг қадимги, антик, ўрта асрлар ва Чор Россияси даврларига оид барча маданий мерос объектларининг электрон базаси шакллантирилган ва Сирдарё вилояти маданий мерос объектларини тўлиқ қамраб олган харита каталоги ишлаб чиқилган;

Сирдарё шаҳрининг режавий ечими Ўрта Осиёдаги бошқа шаҳарларнинг радиал-ҳалқасимон структурасидан фарқ қилиши ва шахматсимон структуравий тизимга эга эканлиги аниқланган;

Сирдарё вилоятида анъанавий шаҳарсозлик базасида туризмни ривожлантиришга қаратилган Эски Ховос тарихий шаҳри, Мирзарабод тими ва сардобаси, Якка сардоба ёдгорликларининг график реконструкция лойиҳа таклифлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

худуднинг энг қадимги ва қадимий аҳоли пунктларининг жойлашув схемалари, аҳоли яшаш тизимининг тузилмавий ўзгариш динамикаси ишлаб чиқилган;

меъморий безаклари, ёндош қўшни тарихий-маданий худудлардаги турдош намуналар билан таққослаш орқали айрим бино ва иншоотлар (“Биби оча” ва Хаста бузругон “Жобир бобо” зиёратгоҳлари)нинг реконструкция таклифлари берилган;

Сирдарёнинг асосий компонентлари – турар-уй кварталлари (маҳаллалар), кўчалар тармоғи, ирригация (сардобалар), диний ва жамоат қурилмалари, савдо майдончалари режавий схемалари ва график реконструкциялари ишлаб чиқилган;

Сирдарёнинг собиқ совет иттифоқи даврида (1920-1990 йиллар) режавий қайта қурилиши ва унинг шаҳар ҳосил қилувчи бўғинлари схемалари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда архитектура фанида тан олинган илмий ёндошув ва усуллар асосида бирламчи моддий маданият манбаларига бағишланган адабиётлардан фойдаланилганлиги, архив манбаларига эътибор берилганлиги, хулоса, таклиф ва

тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани ҳамда олинган натижаларнинг илмийлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистон меъморчилиги тарихи ва назарияси соҳасидаги билимларни кенгайтириш ва бойитиш билан бирга тарихий турар жойларни сақлаш, қайта тиклаш ва модернизациялаш бўйича илмий лойиҳа ишларини бажаришда катта аҳамиятга эга эканлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти архитектура ва қурилиш ташкилотлари фаолиятида, тарихий шаҳарларни қайта тиклаш ва сақлашда, туризм соҳасини ривожлантиришда, замонавий меъморчилик ва шаҳарсозликни такомиллаштириш бўйича амалиётда фойдаланиш мумкинлиги ҳамда олий таълим муассасаларида архитектура ва шаҳарсозлик соҳасида таъмирлаш ва қайта тиклаш бўйича фанлар мазмунини тўлдиришга хизмат қилиши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мирзачўл архитектурасининг вужудга келиш ва тараққий этиш жараёнлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Мирзачўлда илк шаҳарсозлик маданияти милоддан аввалги VII-IV асрларда Кўҳна Нуртепа ёдгорлиги ҳудудида шаклланганлиги, илк ўрта асрларда турар жойлар меъморчилиги асосан икки “коридор-тароксимон” ва “чизиқли” каби меъморий-тарҳий ечимларда режаланганлиги бўйича олинган натижалар Сирдарё вилояти маданий мерос бошқармасининг “Маданият ва тарих” музейини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2020 йил 12 февралдаги 01-01/33-сон далолатномаси). Натижада ҳудудда илк тарихий шаҳарлар ҳамда турар жойларнинг типологик тузилишларини аниқлаш имконияти ошган;

Сирдарё вилояти маданий мерос объектларини тўлиқ қамраб олган харита каталоги ва ёдгорликларнинг даврлар бўйича яратилган электрон базасидан Маданий мерос департаментида таъмирлаш лойиҳаларини такомиллаштириш ва обидаларни самарали таъмирлаш жараёнига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2020 йил 12 февралдаги 01-01/33-сон далолатномаси). Натижада тарихий ёдгорликларни сақлаш, таъмирлаш, қайта тиклаш ва модернизациялаш лойиҳаларини бажариш имконияти ошган;

анъанавий шаҳарсозлик базасида туризмни ривожлантиришга қаратилган Эски Ховос тарихий шаҳри, Мирзарабод тими ва сардобаси, Якка сардоба ёдгорликларининг график реконструкция лойиҳа таклифлари Маданий мерос департаменти томонидан объектларнинг реконструкция лойиҳаларини бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2020 йил 12 июндаги 01-02-6М/293-сон далолатномаси). Натижада Сирдарё вилоятининг туристик салоҳиятини оширишга ҳамда янги сайёҳлик маршрутларини шакллантиришга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 8 та, 1 та хорижий журналда, 2 та халқаро ва 6 та Республика конференция материаллари илмий тўпламларида мақолалар нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 та боб, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, атамаларнинг изоҳли луғатидан иборат бўлиб, асосий матн 156 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Уструшонанинг қадимги давр архитектураси”** деб номланган ва уч бўлимдан иборат. Мазкур бобда тадқиқот мавзуси доирасида олиб борилган аҳамиятли илмий тадқиқотлар ҳамда уларнинг илмий адабиётларда ёритилиши таҳлил қилинган. Даврий жиҳатдан узоқ муддатни қамраб олган тадқиқотлар шартли равишда уч босқичга ажратилган.

Бобнинг **“Энг қадимги (мил.авв. VIII асргача) ва ахамонийлар (мил.авв. VII-IV асрлар) давр ёдгорликлари”** деб номланган биринчи бўлимида қадимги Уструшона Ўзбекистон ва Тожикистон ҳудудларининг ҳозирги баъзи қисмларини, шу жумладан Мирзачўл вилоятларини ўз ичига олган қадимги давлат ҳудуди ва у ерда жойлашган археологик ёдгорликлар, уларнинг архитектуравий–қурилиши, қадимги ёдгорликларнинг жойлашув ўрни ва ўрганилиш тарихи қисқача баён қилинган.

Халқимиз тарихида қадимги ва ўрта асрлар даври моддий ва маънавий маданиятида Буюк Ипак йўлининг ўрни катта бўлган. Хусусан, таркибига ҳозирги Сирдарё ва Жиззах вилоятлари ҳудудини олган, ҳамда Сўғд, Чоч ва

Фарғонани боғлаган асосий чорраҳа вазифасини ўтаган Уструшона давлати юртимиз тарихи саҳифаларидан муносиб жой олган¹⁴.

Дастлаб Қадимги Уструшона Зардуштийликнинг муқаддас “Авесто” китобида айтилганидек, аввал Сўғд таркибида бўлиб, кейинчалик алоҳида йирик давлат сифатида ажралиб чиқади¹⁵. Уструшона ҳақидаги дастлабки тарихий маълумотлар Александр Македонский босқинига даҳлдор қадимги манбаларда учрайди.

XIX аср охирига келиб, қадимги Уструшона ҳудудининг қадимий осори-атиқалари, меъморий обидалари рус ва хорижий шарқшунослар ва археология ҳаваскорларининг эътиборини тортган. Бу баъзи ўлкашунос ва мусаввирларни меъморий обидаларнинг тарз ва интерьер, ёдгорликларнинг археологик қазилма ишлари, уларни ўлчаш ҳамда нусхаларини чизишга ундаган бўлса, кейинчалик, В.В Бартольд, М. Массон, Н.Н. Негматов, Т.В. Беляева, А.А. Грицина, М.Пардаев кабилар илк археологик экспедициялар уюштирган. Йиғилган материаллар асосида чоп этилган қатор мақолаларда ҳудуднинг қадимий давр тарихи, маданияти ҳамда меъморчилиги хусусидаги тадқиқотлар қайд қилинган.

Н.Н. Негматов ва Т.В. Беляеваларнинг қадимий Уструшона ёдгорликлари ва уларнинг меъморчилиги, қайси ҳудудда жойлашуви ва даврийлигига бағишланган илмий мақоласи кўплаб қадимшунос ва кенг жамоатчиликни қизиқишига сабаб бўлган. Н.Н. Негматовнинг фикрича, қадимги Уструшона ҳудудида мил. авв. VII-IV асрларгача кўҳна Нуртепа, Хўжанд, Каллахона, Чигмойтепа, Уяс, Гончи, Хонтепа, Хитойтепа сингари қадимий ёдгорликлар мавжуд бўлганлиги ва меъморчиликда асосан пахса деворлар қўлланилганлиги, кейинчалик эса пахса девор устига хом ғишдан янги деворлар қурилгани хусусида илк маълумотлар ўз аксини топган¹⁶.

Археолог олимлар А.Грицина, М.Пардаевларнинг ёзишича, Уструшона ҳудудидаги археологик ёдгорликлар ичида энг қадимгиси, бу кўҳна Нуртепадир. Ушбу ёдгорликда ҳаёт илк темир даврдан мил. авв. I асрга қадар давом этганлиги, қалъа аҳолиси мил. авв. I минг йиллик бошлариданок деҳқончилик билан шуғулланиб, ўтроқлашганлиги, қалъа қурилиши эса мил. авв. I минг йиллик ўрталарига тўғри келганлигини қайд этади. Бу жараёни С.Қудратов мил. авв. VII аср деб кўрсатади. Уструшона ҳудудида олиб борилган кенг қамровли илмий изланишлар тадқиқ қилинаётган мавзуга доир кўплаб материалларни беради.

Мазкур бобнинг “Илк антик (мил.авв. IV-I асрлар) ва сўнги антик (кушонлар даври: мил. I-IV асрлар) даври архитектурасининг ўзига хос хусусиятлари” деб номланган иккинчи бўлимида ўтган асрнинг 50-йилларидан сўнг мавзу доирасида олиб борилган тадқиқотлар таҳлили

¹⁴ “Уструшона Буюк ипак йўлида, унинг минтақалараро сиёсий – иқтисодий ва маданий муносабатларни ривожлантиришдаги ўрни (антик ва ўрта асрлар даврида)” мавзусида ўтказилган республика илмий-амалий анжумани материаллари. Гулистон давлат университети, 2016 – 3 б.

¹⁵ Дўстмаматов П. Қадимги Сирдарё тарихи. Гулистон. 2005. 70-б.

¹⁶ Негматов Н.Н., Беляева Т.В., Мирбобоев А.К., Начало исследования городище Нуртепа. // АРТ XX. 1980. Душанбе. Дониш. 1987. Стр. 310-330.

келтирилган. Бу даврда Ўрта Осиё халқлари тарихи, маданияти ва санъати, умуман олганда худудни ҳар томонлама ўрганиш кенг қулоқ ёйган. Кенг қамровли археологик изланишлар кўплаб ёдгорликлар ва улардан юксак бадийлик билан ишланган буюмларни тухфа этган. Ўз навбатида санъат дурдоналари санъатшунослик ва меъморчилик нуқтаи-назаридан ҳам ёритила бошланган. Хусусан, Н.Н. Негматовнинг VII-X асрларда Уструшона мавзусидаги номзодлик диссертациясида Ўзбекистон ва Тожикистон худудларидаги кўзга кўринган меъморий обидалар, тасвирий санъат ёдгорликлари, шу жумладан маданий мерос объектлари тадқиқ қилинган.

Ўтган асрнинг 50-йиллари бошларида Кўхна Уструшонада турли сабабларга кўра тўхтаб қолган археологик тадқиқотлар яна жонланган. Жумладан, Уструшона худудида қатор илмий даргоҳлардан йиғилган археологлар Н.Н. Негматов, А.А. Грицина, М.Х. Пардаев бошчилигидаги экспедиция гуруҳи кенг қамровли изланишларни бир неча ўн йиллар давомида олиб борган. Натижада бу ерда қатор ёдгорликлар, ғорли ва туташ ер усти меъморий иншоот қолдиқлари, тошдан йўниб ишланган меъморий қисм ва безаклар аниқланган. Уларга бағишланган илмий ишлар серияли монографияларда ўз ифодасини топган¹⁷. Илмий изланишлар Ўзбекистон ва Тожикистон худудларида амалга оширилган.

Биринчи бобнинг сўнгги “Мирзачўл архитектураси ривожига Буюк Ипак йўлининг таъсири” деб номланган сўнгги бўлимида Мирзачўл худудидан ўтган Ипак йўли ва унинг худудга кўрсатган таъсири ҳақида сўз боради. Маълумки, Ўрта Осиё шаҳарлари турли ўлкаларни ўзаро боғловчи этномулоқот худуди ва савдо алоқалари учун ўзига хос транзит минтақа ҳисобланган. Одамлар асосан савдо йўллари, сўнгги ўрта асрлардан бошлаб эса Буюк Ипак йўли орқали ўзга элларга саёҳат қилган. Мазкур минтақаларда жойлашган давлатлар ва шаҳарлар азалдан иқтисодий савдо транзит марказлари сифатида ҳамда сиёсий, дипломатик, маданий, этник ва диний алоқалар орқали ҳам боғланган. Ана шундай транзит йўллар Уструшона вилояти худудлари орқали ҳам ўтганлиги маълум.

Марказий Осиёнинг йирик савдо шаҳри бўлган Самарқанд азалдан минтақанинг жанубий-ғарбий вилоятларини Уструшона, Тошкент воҳаси ва Фарғона водийси билан боғловчи муҳим қарвон йўллари чорраҳасида жойлашган. Самарқанддан Фарғона ва Шошга қараб кетувчи йўллар ўрта асрларда Уструшона номи билан юритила бошланган вилоят орқали ўтган¹⁸. Қадимги ёзма манбаларнинг чекланган доираси турлича тарзда Уструшона худуди билан боғлиқ бўлиб, узоқ вақтдан бери илмий адабиётларда фаол фойдаланиб келинмоқда.

¹⁷ Негматов Н.Н. Уструшона в древности и раннесредневековье. –Сталинабад. 1957. –стр. 161.; Грицина А.А. Археологические памятники Сырдарьинской области. Ташкент. Фан. 1992.; Древний Заамин (история, археология, нумизматика, этнография). Ташкент. Фан. 1994.; Грицина А.А. Грицина А.А., Содиков М. Эски Ховос ва унга қўшни худудлар қадим ва ўрта асрларда. Самарқанд. 2010; Пардаев М.Х., Тўйчибоев Б.Б. Уструшона қадимда ва илк ўрта асрларда (ёзма ва археологик манбалар асосида). Тошкент. 2017.

¹⁸ Ал-Истархи. Книга путей и государств (Китаб масалик ал-Мамалик). / Перевод с персидского Ворожейкиной З.Н. Я крапольского. // Материалы по истории киргизов и Киргизии. –М. 1973. –стр. 256-259.

Ўрта асрларда Буюк Ипак йўли шаҳарлари ва аҳоли пунктларининг жойлашувида, шаҳарлараро бир ҳафталик йўл босиб ўтиш массофаси оралиғида савдо шаҳарлари жойлашганлигини кўриш мумкин.

Жумладан Ибн-Ҳавқал Ҳаракана, Зомин ва Сабатни Фарғонадан Шошга келувчи йўлда жойлашган шаҳарлар сифатида эслатиб ўтади.

Уструшона худудидан қадимда ва ўрта асрларда Шарқ ва Ғарбни боғловчи Буюк Ипак йўлининг тармоқларидан бири ўтган ва бу худуднинг халқаро савдо муносабатларда муҳим ўрин тутганлигидан далолат беради. Бундай халқаро тармоқнинг бу худуддан ўтганлиги ўзининг сезиларли таъсирини кўрсатган, яъни карвон йўлларида жойлашган аҳоли манзилгоҳлари савдо ва карвонларга хизмат кўрсатиш орқали обод бўлган ва тараққий этган. Бу манзилгоҳлар ичида ўзининг кўлами ва катталиги жиҳатидан иккитаси: Сайхунобод туманидаги Нурота ва Ховос туманидаги Эски Ховос ёдгорликлари ажралиб туради. Эски Ховос шаҳар харобаси уч қисмдан, яъни шимоли-ғарбдаги маҳобатли арки аъло ва унга туташ деворлар билан ажратилган иккита шахристондан ташкил топган. Шаҳарнинг асосий қисмлари, яъни арки ва шахристон қолдиқлари бугунги кунга қадар сақланиб қолган. Ўрта аср маълумотларида келтирилишича, Ховос Самарқанддан шарққа йўналган йўлнинг чорраҳасида жойлашган. Ундан бир тармоқ Ховосдан Куркат орқали Хўжанд ва Фарғонага, иккинчиси тўғри — Шош дарёси - Сирдарё кечувидан сўнг шимолга, йирик Бенакет (Шохруҳия) шахрига ва ундан эса, иккинчи йирик шаҳар Харашкентга ва кейин Чоч пойтахти Бинкетга борган. В.В. Бартольднинг таъкидлашича, Чирчиқ воҳасида (Тошкент вилояти) икки йўл: бири Ховосдан ва иккинчиси Дизакдан борган¹⁹. Худди шундай Ховоснинг ўзидан ҳам икки йўл: бири анча қисқа, Мирзачўл орқали, ҳозирда Хушкет шахри деб талқин қилинаётган Сирдарё вилоятидаги Нурота шаҳар харобалари бўлса, иккинчиси эса узокроқ ва хавфсиз Сирдарёнинг чап қирғоғи бўйлаб, яъни Эски Ховос орқали борган²⁰. Бундан ташқари, Ховосга вилоят маркази Бунжикат шахридан Уструшонанинг бошқа йирик шахри Совет орқали ҳам йўл бўлган. Катта йўл жануброқдан Совет орқали ўтган бўлишига қарамай, савдо карвонлари, одатда, Хўжанд ва Фарғонага Ховос ва Куркат орқали боришни қулай деб билган²¹. Ховоснинг аҳамияти, унинг стратегик қулайлиги, бир томонда ғарбдан шарққа ва шимолдан жанубга Бунжикат орқали Бактрияга ўтган қадимги муҳим савдо ва ҳарбий йўналишлар чорраҳасида бўлганлигидадир²². Шундай қилиб, мил. авв. IV асрнинг иккинчи ярмидан то XIX асрга қадар Ховос қадим Фарғона, Чоч ва Сўғдда савдо ва ҳарбий

¹⁹ Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч. Том 1. М., 1963.

²⁰ Грицина А.А. Уструшанские были. Ташкент, 2000.

²¹ Бетгер Е.К. Извлечения из книги «Пути и страны» Абу-л-Касыма ибн Хаукаля // Труды САГУ. Археология Средней Азии. Ташкент, 1957.

²² Негматов Н.Н. Уструшана в древности и раннем средневековье. Душанбе, 1957.

ҳаракатлар йўналишлари чорраҳасидаги қулай ва муҳим манзил вазифасини бажарган²³.

Буюк Ипак йўли мил. авв. II асрда пайдо бўлиб, мил. XVI асрга қадар фаолият кўрсатган. Буюк Ипак йўли шу давр ичида Шарқ ва Ғарб халқларининг кенг миқёсидаги ўзаро маданий ва иқтисодий алоқалари тарихида катта аҳамиятга эга бўлган. Уструшона худудида бу вақт орасида катта ўзгаришлар, кўплаб бино иншоотлар қурилган.

Карвон йўлларида сувга бўлган талабни ва одамларнинг чарчокларини қондириш учун карвонсарой ва сардобалар қурилган. Сардоба-қудуқ ёки ҳовуз устига пишган ғиштдан баланд қилиб, гумбазсимон шаклда қурилган сунъий иншоот бўлиб, унга зиналар орқали тушилган. Тарихий манбаларда келтирилишича илк ўрта асрларда ҳозирги Мирзачўл худудида ўнлаб сардобалар қурилган бўлиб, уларнинг айримларининг ўрни ҳозиргача сақланган. Сардобалардан нафақат сув ичиш мақсадида, шунингдек дам ҳам олиш учун фойдаланилган. Сардобаларга яқин бўлган жойларда карвонсаройлар қурилган.

Умуман олганда ўтмишни ўрганмай келажакни яратиб бўлмайди. Уструшонадаги шаҳарсозлик маданияти уч минг йилдан ортиқ тарихга эга халқимиз давлатчилик тарихининг таркибий қисмларидан биридир.

Диссертациянинг **“Уструшонанинг илк ўрта асрлар (V-VIII аа.) ва ўрта асрлар (IX-XV аа.) архитектураси”** деб номланган иккинчи боби уч бўлимдан иборат. Бобнинг **“Илк ўрта асрлар шаҳарсозлиги ва архитектураси”** деб номланган биринчи бўлимида Уструшонанинг илк ўрта асрлардаги шаҳарсозлиги ва архитектураси ҳақида сўз боради.

Уструшонанинг ёзма манбалар асосида илк ўрта асрлардаги чегаралари шарқда Фарғонадаги Асбара билан, шимолий-шарқда Хўжанд атрофидаги худудлар билан чегарадош бўлган. Бу ерда чегара Хўжа-Бақиргансойнинг ғарбий қисмидан, Асбаникатни ҳам ўз ичига олиб, шимолга томон Дихмой қишлоғига қадар (Хўжанддан 15 км ғарбда) ва шу тариқа Сирдарёга чўзилган. Шимолда Мирзачўлни ҳам ўз ичига олиб, Чоч билан чегарадош, Уструшонанинг ғарбий чегаралари беқарордир, баъзи рустоқлар баъзан Сўғдга, баъзан Уструшонага кириб турган. Жанубда Уструшона Ҳисор тизимлари билан чегараланган²⁴.

Ўрта асрлар Уструшонаси ҳозирги замонавий харитада Ўзбекистон Республикасининг Сирдарё, Жиззах вилоятлари, қисман Тошкент вилоятининг Бекобод тумани, Тожикистон Республикаси Пролетар, Нов,

²³ Грицина А.А., Иваницкий И.Д., Рахимов К. Раскопки на городище Эски Хавас // Археологические исследования в Узбекистане – 2003 год. Вып. 4. Ташкент, 2004; Грицина А.А., Матбабаев Б.Х. К исторической топографии городов Ферганы на Великом шелковом пути (на примере Кубы и Оша) // Великий шелковый путь и Ферганская долина. Материалы республиканской научно-теоретической конференции. Ташкент, 2004.; Рахимов К. Уструшона Буюк ипак йўлида, унинг минтақаларо сиёсий-иқтисодий ва маданий муносабатларни ривожлантиришдаги ўрни (антик давр ва ўрта асрларда). Республика илмий-амалий анжумани материаллари. Гулистон. 2016. 105 б.

²⁴ Пардаев М.Х., Ғофуров Ж. И. Уструшонанинг илк ўрта аср қишлоқ маконлари (ёзма ва археология манбалари асосида). Тошкент. 2016. 7-б.

Ўра-Тепа, Шахристон, Айний туманлари, Қирғизистон Республикасининг Лайлак тумани ҳудудларини ўз ичига олади.

Ўрта асрларда Уструшонада айрим қадимги ёдгорликлар ва шаҳарсозлик намуналарини келтириш мумкин. Қалиятепа ёдгорлиги Жиззах шаҳрининг шарқий қисмида жойлашган бўлиб, воҳадаги энг йирик ёдгорликлардан биридир. Ёдгорлик арк, шахристон ва беш работдан иборат. Ўрта Осиё икки дарё оралиғининг бошқа тарихий маданий воҳаларида (Сўғднинг Самарқанд, Қарши, Бактриянинг Термиз, Чочнинг Тошкент ва ҳ.к.) бўлгани каби Уструшонанинг шимолий-ғарбий сарҳади Жиззах воҳасида ҳам шаҳар ва қишлоқ ҳаёт тарзи узоқ давом этган тарихий жараёнларда ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан бир-бири билан узвий ҳамкорлик, ўзаро алоқадорлик ва мутаносиблик асосида ривожланишда бўлган. Чунки архаик даврларда илк шаҳарсозлик маданиятининг шаклланиши ва тараққиётида қишлоқ шаҳар учун бошланғич босқич вазифасини ўтаган бўлса, антик давр ва айниқса илк ўрта асрларда шаҳар, қишлоқ маконлари учун маъмурий бошқарув қароргоҳ, иқтисодий, сиёсий ва маданий жабҳаларда муайян воҳанинг маркази, бош шаҳри вазифасини ўтаган. Бошқа маданий ўлкаларда содир бўлгани каби Қалиятепада ҳам муайян шаҳар марказининг атрофи илк ўрта асрларда ўнлаб қишлоқ манзиллари –қалъа, кўрғон, кўшклар билан ўраб олиниб деҳқончиликка асосланган “иқтисодий зона”²⁵, маданий воҳага асос солинган.

Эски Ховос шахристуни шу номдаги темир йўл станцияси яқинида, Шўрбулоксой (Ниджонисой)нинг ўнг қирғоғида жойлашган. Ёдгорлик уч қисмдан, яъни арк ва унга туташган икки тепадан иборат. Ёдгорликнинг умумий майдони 10 гектар дан ошиқроқ бўлиб, шундан 2 гектар яқинини арк эгаллайди. Арк ёдгорликнинг шимолий-ғарбий қисмида жойлашган бўлиб, квадрат кўринишга (140x130 м) эга, баландлиги 13 метрдир²⁶. Ёдгорликда ҳаёт мил. авв. I асрлардан ҳозирги кунга қадар давом этиб келмоқда²⁷.

Хушкат (Нурота) шаҳрининг вужудга келиши Сомонийлар давлатининг шаклланиши ва юксалиши билан узвий боғлиқдир. Янги бир давлатнинг иқтисодий юксалиши сабабли вужудга келган Нурота шаҳри Сомонийлар давлати таназзули билан аста-секин харобага айланиб борган. X асрнинг ярмидаёқ Сирдарёнинг юқори оқимида карвонларнинг янги бир ўтиш жойининг шаклланиши билан Хушкат шаҳри ҳам ўз аҳамиятини йўқотади.

²⁵ Пардаев М.Х., Ғофуров Ж.И. Уструшонанинг илк ўрта аср қишлоқ маконлари (ёзма ва археология манбалари асосида). Тошкент. 2016. 7-б.

²⁶ Массон М.Е. Проблемы изучения цистерн-сардоба. –Ташкент. 1935. –ср. 16.; Билалов А.И. Из истории ирригации Уструшаны. –Душанбе. 1980.; Грицина А.А., Пардаев М.Х. Археологическое изучение Кизилинского массива. / Археологические работы на новостройках Узбекистана. –Ташкента. Фан. 1990. –стр. 177-179.;

²⁷ Грицина А.А. Северная Уструшана в середине I тысячелетия до н. э. – начале XIII в. н. э. Автореферат. Дис канд. ист. наук. Самарканд, 1990. стр.13-14.; Грицина А.А. Археологические работы в Сырдарьинской области. Т. Фан. 1990. стр. 46-47.; Грицина А.А., Пардаев М.Х. Археологическое изучение Кизилинского массива. / Археологические работы на новостройках Узбекистана. –Ташкента. Фан. 1990. –стр. 177-179.;

Юқоридаги фикрларимиз шуни тасдиқлайдики, Мирзачўл худудида шаҳар маданиятининг шаклланиши ва тараққий қилиши Буюк Ипак йўли билан боғлиқдир. Демак, Мирзачўлнинг ўзлаштирилиш тарихи ҳам Буюк Ипак йўли тарихи билан узвий боғланган.

Иккинчи бобнинг “Ўрта асрларда шаҳарлар структураси ва ёдгорликлари типологияси” деб номланган иккинчи бўлимида илк ўрта асрларда Уструшона архитектураси ва шаҳарсозлик типологияси ҳақида сўз боради.

Илк ўрта асрларда Уструшона худудида кўплаб шаҳарсозлик ва меъморий ёдгорликлар мавжуд бўлган. Бундай ёдгорликларнинг кўплигидан илк ўрта асрларда Уструшонанинг ривожланиши ва ён атрофдаги худудлар аҳолисининг бу ерларга қизиқишини ортиб борганлигини кўриш мумкин. Ўрта аср муаррихлари Уструшонани – “400 қалъали ўлка” сифатида тилга оладилар²⁸.

Қадимий давр ўлканинг моддий маданият ёдгорликларини худудлаштиришни қадимги Уструшонанинг энг йирик сув манбаи ҳисобланган Сирдарё ҳавзасидан бошлаш мумкин.

Археологик тадқиқотлар натижасига кўра, Уструшонанинг Фарғона билан туташган чегара мавзесида, Хўжабакиргансойнинг Сирдарёга қуйилиш жойида, ҳозирги Хўжанд шаҳрининг ўрнида мил. авв. VI-V асрларга оид қадимий қишлоқ манзилгоҳи фаолият кўрсатган. Мил. авв. IV аср охирига келиб, бу ерда табиий тупроққўрғон ва пахса деворлар билан ўралган, умумий майдони 10 гектарни ташкил этувчи мустаҳкамланган, шаҳар типига манзилгоҳ бунёд этилган. Н.Н. Негматов томонидан 1955 йилда ёдгорликнинг I асрга оид қатламлари аниқланган²⁹.

Уструшонада қадимги, антик, илк ўрта асрлар ва ўрта асрлар давомида, яъни IX аср охири - X аср бошларида марказлашган Сомонийлар, кейинчалик Қорахонийлар давлатининг ташкил топиши мамлакатнинг сиёсий, ижтимоий иқтисодий муносабатлари билан биргаликда моддий маданиятида ҳам бир қатор ўзгаришларга сабаб бўлган. Жумладан, ушбу ўзгаришлар моддий маданиятнинг бир кўриниши бўлган турар жойларнинг архитектураси, ички структураси, қурилиш материаллари, унинг ички жиҳозлари ва улар билан боғлиқ бўлган расм - русумлар, урф-одатлар, диний эътиқодлар билан боғлиқ ўзгаришлар ўз аксини топган. IX - XII аср турар жойлар Ўрта Осиёнинг марказий худудларида жойлашган йирик маданий тарихий ўлкалар - Сўғд ва Уструшонада анча яхши ўрганилган. Хусусан, Сўғдда Афросиёб, Пойкенд, Варахша, Уструшонада Култепа, Нурота, Қалаи Қаҳқаҳа³⁰ каби

²⁸ Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Т. II. -М.-Л., Изд. АН СССР. 1950. с.243, Малаев А.Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии. – Новосибирск. Наука, 1989. с.78.; Негматов Н.Н. Уструшона в древности и раннего средневековья. – Сталинабад. 1957. –стр. 34.

²⁹ Негматов Н.Н. Предварительный отчет о работах Ходжентского отряда в 1954 г. // ТИИ АН Тадж. ССР. Т. XXXVII. –Сталинабад. 1956.-стр. 33-41.; Пардаев М.Х. Тўйчибоев Б.Б. Уструшона қадимда ва илк ўрта асрларда (ёзма ва археологик манбалар асосида). Тошкент. Фан ва технология. 2017. 30-б.

³⁰ Шишкина Г.В. Городской квартал VIII-XI вв. на северо-западе Афрасиаба//Афрасиаб. Вып. II. Ташкент,1973.; Шишкин В.А. Варахша. М., 1963, Грицина А.А., Мамаджанова С.Д., Мукумов Р.С.

ёдгорликларда олиб борилган тадқиқотларда IX-XII асрларга оид шаҳар турар жой қолдиқлари аниқланган бўлиб, олиб борилган қазилмалар жараёнида IX-X асрларда турар жойлар қурилишида, асосан, пахса, хом ғишт қўлланилиши давом этганлиги кузатилади. VIII асрнинг охири ва IX асрнинг биринчи ярмида қурилган турар жойлар тарҳи баъзида аввалгиларга ўхшаш бўлган. Лекин, ушбу давр қурилиш маданиятида Сўғд ва Уструшона меъморчилиги анъаналари давом этиши билан бирга бир қатор янгиликлар намоён бўлади. Хусусан, хона интерьеридида суфа билан бирга янги элемент - ташнов пайдо бўлади. Ташновлар, асосан, VIII аср иккинчи ярмидан пайдо бўлиб, уларнинг қолдиқлари дастлаб, Варахша, Қува ва Панжикентда топиб ўрганилган³¹. Ташновлар, нафақат турар жойларда, балки хўжалик ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ хоналарда ҳам мавжуд бўлган. Бундан ташқари, илк ўрта асрлар уйлари ядроси ҳисобланган заллар ўрнини VIII асрнинг 70-йилларидан бошлаб очик ҳовлилар эгаллай бошлаган. Ҳовлилар хўжалик ҳамда ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланилган. Очик ҳовлилар Панжикент ҳудудида ҳам учрасада (VIII аср ўрталари) улар хўжалик ёки ишлаб чиқариш мақсадларида эмас, балки катта байрам ёки тантаналарда меҳмонларни кутиш учун фойдаланилган³². Шуни ҳам алоҳида қайд этиш лозимки, очик ҳовлилар Ўрта Осиё, жумладан, Сўғд архитектурасида янгилик бўлмасдан, у антик давр турар жойларида ҳам учрайди. Очик ҳовлиларнинг қайта тикланиши Олд Осиё турар жойлари таъсири билан боғланади³³.

Уструшонада илк ўрта асрларда асосий ўзгаришлар нафақат турар жойлар тарҳида, балки қурилиш материалларида ҳам намоён бўлади. Жумладан, VIII аср охири- IX аср бошларида 40x20x8 см; 47x24x7-8 см; 42x24x7,5 см ўлчамдаги хом ғиштлар, 21-22x21-22x3,5 см ўлчамдаги пишиқ ғиштлар, XI-XII асрларда 35x19x6 см; 34x19x6 см ўлчамдаги хом ғиштлар, 28x16x3,5-4 см, 34x34x3,5-4, 40x20x3,5-4 см ўлчамдаги пишиқ ғиштлар қурилишда кенг қўлланила бошланган. Қурилишда асосан арча ва терак дарахтларидан фойдаланилган. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, турар жойларнинг шаклланиши ҳудуднинг географик жойлашуви ва иқлимига бевосита боғлиқ бўлган.

Мазкур бобнинг “Ҳудуднинг ирригация тизими” деб номланган учинчи бўлимида Уструшонанинг ирригация тизимларига эътибор қаратилади. Маълумки, Ўзбекистоннинг табиий-географик ўрни, иқлим хусусиятлари хўжаликнинг қадимдан сунъий суғоришга асосланган ўтроқ деҳқончилик ва

Археология, история и архитектура средневековой Уструшаны. Самарканд, МИЦАИ, 2013; Негматов Н.Н., Мамаджанов С.М. Бунджикат – средневековая столица Уструшаны // Градостроительство и архитектура. Развитие, связи и взаимосвязи (с древнейших времен до наших дней). Ташкент, 1989.; Саидов М. Уструшона Буюк ипак йўлида, унинг минтақаларо сиёсий-иқтисодий ва маданий муносабатларини ривожлантиришдаги ўрни (антик давр ва ўрта асрларда). Республика илмий-амалий аналитика материаллари. Гулистон. 2016. 167-б.

³¹ Анарбаев А.А. О применении кубуров в водоснабжении и канализации городов Средней Азии // ИМКУ. Вып. 11. Ташкент, 1974. с. 132.

³² Распопова В.И. Жилища Пенжикента (Опыт историко-социальной интерпретации). Л., 1990. с. 161.

³³ Распопова В.И. Жилища Пенжикента (Опыт историко-социальной интерпретации). Л., 1990. с.195.

чорвачилик каби турларининг муттасил ривожланиши учун шароит яратган. Бу ҳолат ўтмишда давлатларнинг ишлаб чиқариш даражасининг юксалишига, улар кудратининг ўсишига туртки бўлган. Ўз ўрнида бундай хусусият доимо мамлакатлар тараққиёти учун асос бўлувчи хўжалик муносабатларни муттасил ривожлантиришни тақозо этган. Масалан, ўлкада сунъий суғоришга асосланган деҳқончиликнинг ривожланганлиги учун қадимдан улкан миқдордаги ишчи кучларига эҳтиёж сезилган.

Мирзачўлнинг жуда кенг худуди аҳоли зич яшайдиган Тошкент, Фарғона ва Самарқанд воҳаларининг ўртасида жойлашган. Мирзачўл ғарбда Қизилқум саҳроси билан чегарадош, жанубда Туркистон тизма тоғининг этаги билан туташади, унинг шимол ва шарқ томонидан Сирдарё оқиб ўтади.

Тахминан уч бурчак шаклида бўлган Мирзачўл бир миллион гектардан ортиқ ер майдонидан иборат. Мирзачўл кенг текисликлардан иборат бўлиб, у бу жиҳатдан Марказий Осиёнинг бошқа жойларига қараганда афзалликларга эга, чунки Марказий Осиёнинг ҳеч қаерида суғориладиган, деҳқончилик учун қулай бўлган бундай табиий кенг ер майдони бошқа учрамайди.

XIX аср охири - XX аср бошларида Мирзачўлда янги қишлоқларнинг пайдо бўлиши бевосита худуднинг ўзлаштирилиши билан боғлиқдир.

Археолог Я.Ғ. Гуломов Ўрта Осиёдаги қадимги суғориш зоналарини текшириб, Мирзачўлнинг жанубий-ғарбий қисмида, яъни унинг Фориш чўли билан туташган жойида бир вақтлар суғориш ишлари олиб борилганлиги таъкидлайди. Бу ҳақда 1948 йилда Я.Ғ. Гуломов раҳбарлигидаги ўзбек – зарафшон археологик экспедициясининг Нурота отряди томонидан йиғилган материаллар шуни кўрсатадики, энг қадимги вақтлардаги аҳоли тоғ ёнбағирларидан оқиб тушган сувлардан фойдаланиб сунъий суғориш билан шуғуланганлар³⁴.

Туятортар канали тўғрисида Я. Гуломов “Биз суғориш тарихи устида ишлаб юрган мутахассислар Ўрта Осиёдаги сунъий каналлар ичида Туятортар каналидай меҳнати оғир, суви кам, ўзи жарликлардан оқадиган канални кўрмаганмиз” деб таъкидлаган³⁵.

X асрда Сирдарёнинг сўл қирғоғида Ўримбой-Мирза (Оғуз) канал бўлганлиги ҳақида маълумот бор. XII-XV асрларда Сирдарёдан қирғоқ бўйи ерларига чиқарилган каналларнинг излари ҳозиргача ҳам сақланиб қолган.

Ўрта Осиё Чор Россия томонидан босиб олингач, бу ерлардаги бойлик манбаларига қизиқиш ортди. Мирзачўлга бўлган асосий эътибор бундай кенг, серкуёш жойда пахта саноатини кенгайтириш сабабларидан бири бўлган. Шундай экан уларнинг олдидаги биринчи долзарб масалалардан бу ерларни ўзлаштириш ва ирригация тизими яхшилаш муаммоси эди.

Шундай қилиб, рус мутахассислари дарё бўйларида қолдиқлари ётган қадимий ирригация иншоотлари Ўримбой-Мирза ва Туятортар йўналишларидан фойдаланиб, 1913 йилнинг кузида Мирзачўлда 113

³⁴ Абдунабиев А. Мирзачўлни ўзлаштириш тарихидан. №41. Тошкент. Фан., 1959. -7 б.

³⁵ Гуломов Я. “Ўрта Осиёдаги қадимги суғориш тизимлари” 1961. 38-б.

километрли Шимолий Мирзачўл канали қазилган. Бу канал дастлаб 95 минг гектар ерни суғориш имконини берган³⁶.

